



4 МАЪНАВИЯТ СОАТИ

1 масала: Ҳафта янгиликлари

ts Reserved.

2/3/2016

1

Тошкентда ишбилиармон аёллар ўртасида кўрик-танлов
ўтказилди



copyright 2006 www.brainybetty.com; All Rights Reserved.

2/3/2016

2

Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманида “Тадбиркор — йил аёли” кўрик-танлови ўтказилди ва унда 7 нафар иштирокчи **қатнашди**.

“Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани координатори Қимматхон Султонованинг маълумот беришича, бугунги кунда ҳудудда тадбиркор аёллар сафи кенгайиб бормоқда. Улар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, ҳунармандлик, касаначилик, тикувчилик, сартарошлиқ ва бошқа соҳаларда тадбиркор аёллар етакчисининг ўзи ҳам тадбиркор аёллар сафмуносиб мөҳнат қилмоқда. Маълумот учун айтиб ўтиш жоизки, туман ида. У 2006 йилдан бери спорт буюмлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, ушбу соҳада айтишга арзигулик муваффақиятларга эришиб келмоқда. Хусусан, 2014 йилда бўлиб ўтган “Тадбиркор — йил аёли” кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичида мутлақ ғолиб бўлиб, юз миллион сўмлик имтиёзли кредит олиш учун сертификатни қўлга киритган.

Ўзбекистонда экспортбоп юк кўтариш кранлари ишлаб чиқарилади



Тошкент россиялик сайёхлар учун энг ҳамёнбоп шаҳарлар бешталигига киритилди



Меҳмонхоналарга онлайн-буортма бериш хизмати томонидан 2016 йилда россиялик сайёҳлар учун энг ҳамёнбоп шаҳарлар рўйхати **тузилди**.

Oktogo.ru сайти маълумотларига кўра, Тошкент шаҳри мазкур рўйхатнинг бешталигидан жой олди. Рейтинг 2016 йилнинг 1 февралдан 31 декабргача банд қилинган меҳмонхоналарнинг ўртacha кунлик қиймати бўйича тузилди. Ҳисоб-китобларга кўра, россияликлар Тошкентга уч кунлик яшаш учун келишади.

2016 йилда россиялик сайёҳлар учун энг ҳамёнбоп шаҳарлар рўйхатига шунингдек, Польшанинг Познань ва Krakow, Иордания пойтахти Оман ҳамда Боку, Тбилиси, Палермо, Кишинев, Ереван киритилди.

“Ўзбекистон темир йўллари” ўз мобил иловасини
ишга туширади



“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ 2016 йилда электрон чипталарни сотиб олиш учун махсус мобил иловани ишга туширади.

“Айни пайтда биз Android ва iOS базасидаги смартфон ва планшетлар учун мобил иловани яратиш устида иш олиб бораяпмиз. Бу йўловчиларимиз, айниқса оддий кассалар бўлмаган қишлоқ ва чекка жойлардаги аҳоли пунктлари фуқаролари учун катта қулайлик яратади”, - деди агентлик сұхбатдоши. Мобил илова ҳар қайси фойдаланувчи учун оддий ва тушунарли интерфейсга эга бўлади. Фойдаланувчи нафақат чипта сотиб олиши, балки компания фаолиятига оид ўзини қизиқтирган бошқа маълумотларга ҳам эга бўлиши имумкин. Ҳозирда фақатгина миллий валютада чипта харид қилиш мконияти мавжуд бўлса, Марказий банк билан олиб борилаётганган музокаралардан сўнг хориж валютасида ҳам чипта сотиш йўлга қўйилади. Бунда ички қатновлар билан бир қаторда, МДҲ давлатлари бўйлаб халқаро йўналишлар учун ҳам чипталар сотилади. Буюртмани расмийлаштиришдан аввал эса фойдаланувчи ўзининг шахсий маълумотларини киритиб, аутентификациядан ўтиши ҳамда чипта тўловини амалга ошириши лозим. Натижада сафар реквизитлари акс этган электрон хужжат шакллантирилади.”



Дунё адабиёти Шарк мероси

2- масала
“Мангуликка
дахлдор
сиймолар”.
Алишер Навоий
таваллудининг
575 йиллигига
багишланади.

Алишер Навои (форсча. علیشیر نوایی, узб. Alisher Navoiy)


(Низомиддин Мир Алишер) 9 феврал 1441 йили Хиротда таваллуд топган.

Ҳазрат Мир Алишер Навоийдек бекиёс истеъдод, буюк ижод соҳиблари дунё адабиётида бармоқ билан санаарли. Ул зотнинг бой ва бетакрор мероси беш яrim асрдан бери наинки туркий улуслар, балки жаҳон аҳлини эзгуликка, меҳр ва садоқатга, инсонийлик ва ватанпарварликка ундан келади. Шу пайтга қадар ўзбек ва жаҳон олимлари ҳазратнинг ҳаёти ва ижодини тадқиқ этиб келишади. Ҳар гал унинг маънолар уммонидан янги ва бебаҳо жавоҳирлар топишади. Аммо, бир савол борки, асрлар давомида барча адабиёт муҳибларини ўйлантириб келади.



ty.co





Дарҳақиқат, ҳазрат Навоий буюк шоир ва мутафаккир, беназир олим, борингки, улуғ авлиё бўлганлари ҳам айни ҳақиқат. Аммо, ул зот биринчи навбатда ҳамма қатори оддий, самимий инсон бўлганлар. Самимият ва камтарлик буюк бобомизнинг энг гўзал фазилатларидан эди. Либосларига илашиб қолган чумолини ўз инига олиб бориб қўйишлари, чодир устида ин қурган ғурракнинг полапонлари нобуд бўлмаслиги учун алоҳида посбон қўйиб унга маوش тайинлаганлари ул зотнинг наинки инсонларга ҳатто барча жонзотларга мөхри ва муривванидан дарак беради¹⁶




Ҳазратнинг меҳри шу қадар буюк экан, муҳаббати ҳам шунчалар бепоён бўлгани аниқ. Буни шоирнинг гўзал, назокатли байтларида такрор ва такрор ҳис қилиш мумкин. Мана бу ўлмас мисраларга бир эътибор беринга?


**Фурқатингдин заъфарон
узра тўкармен лолалар,
Лолалар эрмаски
ҳажрингдин эрур
парголалар.**

Тасаввуф ҳазрат Навоий асарларида катта ўрин тутади. Ҳазратнинг ўзлари ҳам тасаввупниң Нақшбандия тариқати вакилларидан бўлганлари ҳакида асосли далиллар мавжуд. Шундай экан ҳазрат Навоийниң кўпгина ғазалларида тилга олинган Ёрдан мурод Ҳақниң ўзи эканига ҳам шубҳа йўқ. Ҳазрат навоий асарларида илоҳий ишқ ҳакида жуда кўп тўхталиб

copyright 2006 www.brainybetty.com; All Rights Reserved

ўтилган.





Тасаввуф адабиётида ташки тарафдан маъшуқанинг малоҳати мадҳ қилингандек кўринадиган, аслида мажозий тимоллар ёрдамида Ҳаққа бўлган илоҳий ишқ таранум қилинган шеъру ғазаллар кўп. Айрим адабиётшунослар ҳазрат навоийнинг ҳар бир байтидан тасаввуфий маъно излайдилар. Аммо, бу қанчалик тўғри экан? Наҳотки, бу ғазалларда мадҳ этилган маъшуқа ҳар доим Ҳакнинг тимсоли бўлса?

Мана бу байтни ҳар биримиз биламиз:


Ўн сакиз минг олам ошуби агар бошиндадур,

Не ажабким сарвинозим ўн сакиз ёшиндадур.

Кўпинча Навоийнинг муҳаббати ҳақида гап кетганла Гули номи тилга олинади. Кўпгина оддий одамларнинг ҳазрат Навоий ҳақидаги тасаввури бундан 70 йиллар бурун яратилган “Алишер Навоий” драмаси ва шу номли бадиий фильм асосида шаклланган. Унда Навоий тилидан ўқилган монолог ва диалогларни ҳам Навоийнинг шеърлари сифатида биладиганлар кўп. Бу асарлардаги қаҳрамон, Навоийнинг севгилиси Гули ҳаётда чиндан яшаб ўтганми? Бу ҳақда аниқ жавоб бериш қийин. Гули исми фақат халқ оғзаки ижодида, Навоий ҳақидаги ривоят ва афсоналарда учрайди холос. Гули номи Навоийнинг ҳаёти ҳақида маълумот берувчи ёзма манбаларнинг ҳеч бирида учрамайди.


copyright 2006 www.brainybetty.com; All Rights Reserved

ویدی رئستے کیسا پر جو بُش	لی بار قصیسا ایر و بُش	غُنْ قیچیر ایلاس تبے فی پُک	کیم مر کیشیم کر خلیدی بُنگل
یم دستیکر تو ناس ایسیلدارام	کیم دستیکر تو ناس ایسیلدارام	اعش ایل و جو دن ایت رب دو	ادا ق شریتے ایت رب دو
یم دخیل زندوی پیشیده کاشت	یم دخیل زندوی پیشیده کاشت	زک ایلادی صید غر جایش	جن کیتے بیلزی ای جایش
سمایت لا پلکشنه ما غلیم	سمایت لا پلکشنه ما غلیم	دو ششی دانی فردی دل بُون	الکا دیری ایلشان ای زی
جگون کو دوں ای شمشق	جگون کو دوں ای شمشق	مجنون کو دوں ای شمشق	کیم دل کیکر نے ما شاشی



Хадиҷабегим ва Навоий

Гулининг Ҳусайн Бойқаро ҳарамига келтирилиши ва Маждиддин томонидан заҳарлаб ўлдирилиши ҳам асардаги зиддиятни кучайтириш максадида ўйлаб топилган бадиий тўқима холос. Навоийнинг барча асарларида унинг Ҳусайн Бойқарога бўлган дўстлиги ва садоқати яққол кўриниб туради. Агар шоҳ шоирнинг муҳаббатига тўғанок бўлганида Навоий унга бу кадар ихлос ва эҳтирос курсатмаган бўларди.



copyright 200

ights Reserved

3/3/2016 17

Ушбу мавзу ҳам Навоийшунослар орасида анча баҳсларга сабаб бўлгани рост. Баъзилар айрим далиллар билан бу икки тарихий шахс ўртасидаги нозик ришталар борлигини исботламоқчи бўлишади. Бошқалар эса, Хадичабегимдек золим, бадфеъл аёлни Навоийдек нозиктабъ ва олижаноб инсон сева олмаслигини айтишади.


**Ҳар қачонким кемага ул ой
сафар раҳтин солур,
Мавжлуғ дарё кеби ошуфта
кўнглум қўзғалур.**

**Йиғлама, эй кўз, недин
соҳилға чиқмас кема деб
Ким, ёшинг дарёсидур ҳар
сариким эл кўз солур.**

**Титрабон сиймобдек кўнглум,
етар жон оғзима**

Тунд ел таҳрикидин ҳар
дамки, дарё чайқалур.
Сабр күнглумда, күнгүл ул
ойда, ул ой кемада,
Ваҳки, бориб телмуруб күз,
мунграйиб жоним қолур.
Дам тутулғандин ўлар элдек
етибмен ўлгали
Сурмасун деб кемасин баским
нафаслар асралур.
Кирма савдо баҳриға оламдин
истаб судким,
Сийм нақди тушса, лекин умр
нақди сийғалур.
Фарқ этар баҳри фано ғам
заврақин, эй пири дайр,
Илгига чунким Навоий бода
каштийисин опур.

Copyright 2008 www.brainybetty.com; All R



Нер со старо чубискою

Кто поет иму для другого, тот
Сам в эту иму вскоре попадет:

Так повелось на свете с давних пор...
Скрепив с невестой брачный договор.

Сухейль устроил пир, и без войны
Он войском пристыженил той страны.

Имуществою Джабира овладел... —
Богатством подумира овладел!

Счастливый шах вино поднес к тубам,
Подумав, новым приказом рабам:

«На первество живите всех людей,
Которых раньше законнал злодей».

Рабы, Сунейх аллах скажи, привезли
Двух пасынков к эззатителю земли.

Один из них — Нунаш, другой — Новдер.
Такому делу где найду пример?

Но как мне быть: повершила мое иль нет,
Подобноем дельникою свет.

Смотри: скандаля нить в конце концов
Сквозь двух детей и двух отцов.

Они вскочили с мест и обнажились,
Слезами радостными зарвались.

Узнал, как все они потали в плаз,
Воскликнули: «Аллах барагославен!»

Сблизились властелины двух держав,
Два мощных царства детям завещав.

191

Ак от
3203

СҮЗБОШИ


таблах фашистлар орй ирқидан бұлак
й бойлик яратышга қобилянтысиз деб вай-
хмақона сағсатанинг ҳақықат ва турмуш
алоқасы Ыүқдір. Дүн'ёнинг барча халқла-
т бойлик яратышга қодир ва яратынлар-
нити бутун халқларнинг үртқи ижодидір.
Харбір халық үз қиссанын ишкан.


Ет халқлары, шу жумладан үзбек халқи
аданнаннин иртипища иштирек қылған ва
уюк рус халқи дүн'ёта Толстой, Горький,
Чехов, Гоголь каби дохнің әзучилар, Ломо-
зов, Павлов каби зүр олимлар, Чайковский,
юк композиторлар берган. Грузин халқы
и каби, Украина халқы Тарас Шевченко
он халқи Низомий каби, үзбек халқи На-
сан атқорларни етиштирган.
астларнинг тутуриңсиз, бема'ни талласасы-
лади.

Чада, жангчиларнмызни буюк үзбек шонри
и Алишер Навоийннг ҳады ва ижоди
улсада ташитирмөкчимиз. Чунки Навоий-
нари ҳозирги дәвримиз блан охандошдир.
Славесик маданияттининг, үзбек классик адап-
торлоры измояндаларидай биридір. Үзбек
шы маданияти за уининг Навоий каби ват-
талишин қаҳрәмөн жангчиларнмын учун
ди.

ИНСТИТУТ

БИБЛИОТЕКА
Академии Наук
СССР






Буюк мутафаккир шоир, олим, мусиқачи, рассом ва давлат арбоби, ўзбек адабий тилининг асосчиси Алишер Навоий назм ва насрда шундай бебаҳо асарлар яратдики, устози Абдураҳмон Жомий таърифлаганидек "Туркий тилда ҳеч ким Навоийдек кўп ва хўп шеър айтмаган ҳамда назм гавхарларини сочмаган эди".

ved.

2/3/2016 20

Шу ўринда Юртбошимиз И. Каримовнинг: "Агар бу улуғ зотни авлиё десак, авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир", - деган фикрлари асослидир. Зоро, буюк мутафаккирнинг бемисл илмий-ижодий меросининг ҳар бир намунасида ифода қилинган фикрлари бугунги кунда ҳам ўзининг юксак қийматини йўқотмаган. Мутафаккирнинг "Ҳайрат ул аброр" достони ибратли фикрларга бойлиги, мазмун-моҳияти жиҳатидан қимматлиги билан ахамиятидан

сурʼунг 2006 www.malayutkum.com Rese





С

Зеро, унда битилган 20 та мақолатда кўтарилиган масалалар барча замонлар учун ҳам хосдир. Масалан, достоннинг дастлабки мақолати - "Иймон шарҳида" деб номланади. Барчамизга маълумки, иймон ҳамма замонларда ҳам маънавиятнинг ажралмас бир бўлагидир. Навоий иймонли инсонга хос сифатларни ёзар экан, кўпчилик томонидан жавоб топилмай келаётган бир саволга, яъни "Қандай инсонни жамийки эзгу ҳислатларга эга инсон дейишимиз мумкин?" - деган саволга жавобни мақолатнинг 10-байтида келтириб ўтади:

Бас ани инсон атағил беріё, Кім ишидир сабр ила шукру ҳаё.

Яъни, сен шундай одамни түғри, риёсиз деб билгин, қачонки у сабр билан шукру ҳаё билан иш күрса. Дархақиқат, инсоннинг ҳаёт деб аталмиш масканида атрофидагилари томонидан түғри, ҳалол, асл инсон, дея тан олиниши энг мураккаб ва мушкул ишдир. Бу номга сазовор бўлиш учун шоир наздида инсонларда энг аввало сабр бўлиши лозим.


Алишер Навоий томонидан юксак ардоқланган Абу Лайс Самарқандий инсонларнинг яхши даражага етишиши ҳақида: "Билгилки, banda яхшиларнинг даражасига азиятлар ва мاشаққатларга сабр қилиш билан эришади", - дейди

copyright 2006 www.brainybetty.com; All Rights Re



Алишер Навои

ФАРХАД И ШИРИН



Бу масалада устоз-шогирд муносабатларидағи ҳамфирликни күриш мүмкін.

Навоий асарларини үқир эканмиз, унда бир-бирига зид бўлган образларга дуч келамиз. "Ҳайрат ул аббор"нинг 25-бобида ҳам бири сабрли бўлган, иккинчиси сабрсиз ва шошқалоқ бўлган икки ҳамроҳ ҳикояти келтирилади. Шоир ҳикоятида ҳамроҳлар йўлда бир тошга дуч келишади. Тошнинг орқа тарафида бир ёзув бўлиб, унда хазина ҳақида гапирилганди. Турли машаққатларга дош берган одам хазинага эга бўлар экан. Бу машаққатлардан йироқ юришни истаган киши учун энг яхши нарса - сабр қилиш эканлиги ҳақида қўйидаги байт келтирилади;

Бу масалада устоз-шогирд муносабатларидағи ҳамфирликни күриш мүмкін.

Навоий асарларини үқир эканмиз, унда бир-бирига зид бўлган образларга дуч келамиз. "Ҳайрат ул аббор"нинг 25-бобида ҳам бири сабрли бўлган, иккинчиси сабрсиз ва шошқалоқ бўлган икки ҳамроҳ ҳикояти келтирилади. Шоир ҳикоятида ҳамроҳлар йўлда бир тошга дуч келишади. Тошнинг орқа тарафида бир ёзув бўлиб, унда хазина ҳақида гапирилганди. Турли машаққатларга дош берган одам хазинага эга бўлар экан. Бу машаққатлардан йироқ юришни истаган киши учун энг яхши нарса - сабр қилиш эканлиги ҳақида қўйидаги байт келтирилади;

*Ҳар киши бу ранжидин ўлса йироқ,
Сабру қаноат боридин яхшироқ.*

Ҳикоятда сабрли инсон ҳамроҳининг бойлик ҳирсида тошнинг тагини қазишга тушиб кетганлигини кўриб, бепарво ўтиб кетади ва бир шаҳарга бориб қолади. У ерда дарвозадан биринчи кирган киши ушбу мамлакатда подшоҳ бўлиши белгиланган эди.

Бояги сабрли инсон ушбу мамлакатда шоҳ бўлибди. Сабрсиз, шошқалоқ инсон эса очкўзлиги боис, кўп тер тўкиб: "Ким бехуда хомтама бўлса, у дунёда доим азобда", - деган ёзувгагина эришиб, таъмагирлиқда хор-зор бўлибди:

*Они қаноат қилибон шаҳриёр,
Муни таъма ранжи қилиб хор-зор.*



Навоий бу ҳикоят орқали сабр инсонни ҳар қандай вазиятда тўғри йўлга бошлашини далиллайди.

Навоий асарининг алоҳида бир бобида сабр тимсоли бўлмиш Айюб пайғамбар ҳақида ҳикоя қилади. Боб сўнгидаги лирик чекиниш сифатида ёзилган икки-уч байтли соқийнома шоирнинг сабрга бўлган муносабати ва унинг шахсиятидаги кучли иродади соҳиби эканлигини кўрсатади:

**Бот бўлу бир жом ила етуқ футух,
Сабр эса Айюбча, йўқ умри Нух.**

Ушбу байт тасаввуфий мазмунга эга. Шоир умрим Нух умрича бўлмаса ҳам, сабрда Айюбча борман, дейди. Айюб пайғамбар тасаввуфда сабр тимсолидир. Шунга алоҳида эътибор қаратиш керакки, ҳазрат Навоий сабрни иймоннинг ажralmas бир қисми, унинг асоси деб талқин қилиб қолмай, бутун умр шоир ўз ҳаётини сабр-қаноат тадарруклари ила зийнатлаб яшаган соҳир инсондир.

Мухтасар қилиб айтганда, Навоий ижоди бир уммондирки, унинг уммонидан бир қатра сув ичган инсон ушбу ижоддан бемисл илҳом, беқиёс маънавий озуқа олганлек бўлади, гўё.

copyright 2006 www.brainybetty.com; All Rights Reserved. 2/3/2016 27



Унинг ижод намуналарини теранроқ ўргансак, бугунги кунимиз учун ҳам ибратли бўлган, шахс маънавияти юксалишига, инсонларни руҳан покланишга хизмат қилувчи олам-олам маъноларни ўқишимиз мумкин. Шу сабабли ҳам ғазал мулкининг сultonи, ўзбек тилининг асосчиси бўлган Алишер Навоий ижодининг ҳар бир байтини ёшларга тўғри таҳлил ва талқин қилиб, тўғри тушунтириш ҳар бир ўқитувчидан ўз устида тинмай ишлашни, изланишни талаб қилади.



КАДАНЪ-МУДРЕЦЪ

Продолжение роману
Тоттальда Ефратиа Лессингта

из художественного перевода

В. С. Аксакова

с 15 иллюстрациями

Иллюстрации
А. А. Каневской
Городинской

Иллюстрации
И. Р. Нерци


Книга А. А. Каневской. С-Петербург. Литературное общество, составлено для № 11.

Иллюстрации А. А. Каневской

Редактор Илья А. Каневский



Copyright 2009 Kazakhstan Today, All Rights






copyright 2006 www.brainybetty.com; All Rights Reserved.

2/3/2016


32



copyright


6

33



copyright 2006 www.brainybetty.com; All Rights Reserved.








2/3/2016 34



Алишер Навоий – маънавият пешвоси

copyright 2006 www.brainybetty.com; All Rights Reserved





**ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН
РАХМАТ!**